

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**Ўзбекистон Бадиий Академияси  
К.Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти**

**2-курс**

**МУЗЕЙ АШЁЛАРИНИ ЭКСПЕРТИЗАСИ ВА РЕСТАВРАЦИЯСИ  
ФАНИДАН РЕЖАДАГИ АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАРИНИ БАЖАРИШ  
УЧУН**

**ЎҚУВ УСЛУБИЙ ҚҮЛЛАНМА**

**Таълим соҳаси:** 150000 – Санъат

**Таълим йўналишлари:** 5151900- Музейшунослик (музей предметлари экспертизаси, консервациялаш ва таъмирлаш).

5151900- Музейшунослик (музей предметлари экспертизаси, консервациялаш ва таъмирлаш). Сиртқи.

**Тошкент – 2019**

Мазкур услугбий кўлланма “Музей ашёларини экспертизаси ва реставрацияси” фани ўқув дастури асосида тузилган. Ўқув услугбий кўлланма музей ашёларини экспертизаси ва реставрациясини амалга оширишда ёрдам беради.

Амалий санъат намуналарининг экспертизаси ва реставрацияси учун мўлжалланган.

**Тузувчи:**

Ахмедов Ж. – Музейшунослик кафедраси ўқитувчиси

**Тақризчилар :**

Исмаилова Ж.Х. – Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори, т.ф.д.

Исломов Ф.Х. – МРДИ Бадиий кулол ва меъморий ёдгорликлар безагини таъмиглаш кафедраси доценти

МРДИ ўқув -услубий

Кенгashi раиси \_\_\_\_\_ Р.Худойберганов

(имзо)

Институтнинг Ўқув-услубий кенгashiда мухокама қилинган ва нашрга тавсия этилган №\_\_\_\_\_ Баённома “\_\_\_\_\_” 2019 йил

## **МУНДАРИЖА**

<b>1-иш.</b> Сирланмаган сопол идишларни лойиҳалаштириш.....	6
<b>2-иш.</b> Сирланган лаганлар ҳақида маълумот.....	11
<b>3-иш.</b> Терракота ҳайкалча ва буюмларни лойиҳалаш.....	31

## **КИРИШ**

Моддий маданият ёдгорликларни таъмирлаш, сақлаш юзасидан қатор нашрлар мавжуд. Таъмирлаш ишлари асосан манбалар, ҳужжатлар, фото ва чизмаларни ўрганиш асосида олиб борилган. Ноёб нусхаларни сақлаб қолиш учун айрим ҳолларда аслини бошқа нусхага қўчирилган ва аслига яқинроқ ашёдан фойдаланилган. Мустаҳкамловчи воситалар кўп бўлсада, уларнинг таъсири бир хил эмас. Айрим воситалар юқори даражали мустаҳкамликни берса, бошқалари ашёга сингмасдан мустаҳкамликка эришмайди. Ноёб топилмаларнинг устки қисмини юқори даражада сақлаш, чанг ва тузлардан тозалашда турли аралашмалар ва меҳаник воситалардан фойдаланмаслик талаб қилинади.

Табиий-иқлим муҳити, вақт ҳамда инсон фаолияти таъсири (асрлар давомида таъсир этиб келган ҳаво ҳарорати ва намлиknинг ўзгариши, зилзилалар) натижасида ёдгорликларнинг моддий эскириши, ўзгариши ва ёмонлашувига олиб келмоқди ва уларни сақлаб қолиш вазифасини долзарблаштирмоқда. Кенг қамровли консервация-таъмирлаш ишларини ташкил қилиш ва амалга ошириш имконияти чекланган. Ҳам молиявий ҳам техник жиҳатдан мураккаб ҳисобланган ушбу амалиёт, шунингдек, ёдгорликларнинг ҳолатини илмий асосланган усууллар ёрдамида мунтазам назорат қилиш катта маблағни талаб этади.

XIX асрда фанларнинг ихтисослашуви натижасида музей предметларига турли фанлар, санъат асарлари, қадимги, табиий препаратларнинг манбалари сифатида яъни, коллекцион предмет сифатида қаралган.

Хозирги музейшунослик фанида музей предметларига ҳар қайси даврдан дарак берувчи, исботланган асл манба деб қаралади. Музей предметларига илмий ва эстетик баҳолар ҳам берилади. Бизнинг даврда музей предметларига инсон фаолияти ва табиатнинг яшashi натижаси деб қаралиб булар музей ҳужжатлари ҳисобланади.

Булар ашёвий ва тасвирий информация манбаи бўлиб, музейларни бошқа хужжат институтларидан фарқлантиради.

Музей предметлари бир вақтнинг ўзида тарих хотираси ҳамдир.

Музей предметлари – музейда узоқ сақланадиган музей йиғими бўлиб, у ижтимоий ва табиий-илмий информация берадиган манба ҳисобланади.

## **1-иш. Сирланмаган сопол идишларни лойиҳалаштириш**

### **Амалий машғулот**

**Топшириқ:** Сирланмаган сопол идишларни лойиҳалаштириш (музей фондларида мавжуд сопол намуналари асосида).

**Зарур техник воситалар:** Фотоаппарат, ёритиш лампаси, туш, ватман қофоз, миллиметровка, мастихин, ганч пичоғи, шпатель, қумқофоз, пластилин, хар хил турдаги чўткалар, пластмасса конейнерлар ва идишлар, концеляр пичноқ, шиша идишлар, япон қофози, губка, марля, целлофан, қалам, линейка, циркуль, измеритель, калька қофоз.

#### **Ишнинг мазмуни:**

1. Маълум бир сирланмаган сопол нусхаси 4 хил (таъмирлаш жараёнигача бўлган ҳолати, юқоридан кўриниши, қирқими, таъмирдашдан кейинги ҳолати) кўриниши лойиҳада яратилади.
2. Юқорида амалга оширилган жараёнларни фотофиксациялаш.
3. Ашёни ташқи таъсирлардан тозалаш.
4. Ашёнинг синган бўлакларини елим (ПВА) ёрдамида елимлаш.
5. Тикланиши лозим бўлган қисмига пластилин ёрдамида қолип олинади.
6. Гипс қоришимасида ашёнинг таъмирга муҳтож жойи тўлдирилади.
7. Гипс етарли даражада куригач қумқофоз ёрдамида юзаси силлиқланади.
8. Таъмирланган қисмни ранг ёрдамида асл қисми билан бир хил кўринишга келтирилади.
9. Ашёда мавжуд безак қисмларини тикланади.

Маданий ашёлар ичида бирорта ҳам топилма ўзининг кўп маълумот бериши жиҳатидан сополга тенглаша олмайди. Бундан ташқари дастлабки


сопол неолит даврида пайдо бўлган бўлса, шу вақтдан бошлаб қадимги жамиятларнинг барча даврларида ва барча худудларида сопол парчалари учрайди.

Илмий манбаларда ёзилишича, Зардуштийлик таълимотига қўра, одамлар ўлгандан кейин унинг жасадини ерга кўмиш гуноҳ ҳисобланган. Шунинг учун одам ўлгандан кейин унинг жасадини маҳсус тепаликка олиб бориб кўмишган. Бу тепалик одамлар яшайдиган жойдан узоқда жойлашган бўлиб, тепаликда эса турли бургут, ёввойи қушлар одам гўштини еб уни суяқдан ажратиб берган. Ёмғир эса суякни янада тозалаган. Қуёш эса уни обдон қуритган. Шундан сўнг тепалик атрофида яшовчи одамлар суякларни йиғиб, сополдан ясалган идишларга солиб, кўп ҳолларда мархумнинг ўз уйига кўмилган. Бу идишчаларни остатонлар ёки оссуарийлар деб аташган.

Ана шу остатонлар шакли турли туман бўлиб, асоси тўртбурчак, қопқоғи эса турли шаклларда, хатто одам боши ёки қомати шаклида, баъзан ҳумга ўхшатиб, баъзан ўтирган одам шаклида ясалган. Остатонларнинг юзаларига эса бўртма тасвиirlар ишланган ёки расм чизилган. Бу тасвиirlарда ўша даврлардаги одамлар урф-одати, масалан, аза тутиш воқеалари акс эттирилган. Бундай остатонлар Ўрта Осиё ерларидан, хусусан Ўзбекистон тупроғидан қўплаб топилган.

Хоразм оссуарийлари шу жумладан Қўй-қирилган қалъадан топилган оссуарийларни қўпчилиги одам хайкали шаклида керамикадан ишланган. Суякларини оссуарийларга (суяқдонларга) солиб ерга кўмишган. Кейинчалик жасадни ёввойи қушларга едириш одат тусига кирган. Бунинг учун маҳсус иншоотлар қурилган. Бу иншоотларни “Дахма” деб аташган. Дахмалар инсон яшайдиган масканлардан 30-20 километр узоқда жойлашган. Дахма - бу маҳсус минора ёки баландлик. Жасадни шу ерга қўйиб қушларга ем қилишган. Қўй-қирилган қалъа атрофида дахмага ўхшаш иншоот топилмади. Демак қўй қирилган қалъа жуда узоқ тарихга эга иншоот. Олимлар у ерда жасадни куйдириш учун камералар борлигини тахмин қилишмоқда. Думалоқ иншоот ичида тўртбурчак хоналар бунинг исботи бўлиши мумкин.

Сопол – махсус лой (тупроқ, сув, қисман қум ва түзфоқ аралашмаси)дан ишланиб оловда қиздириб тайёрланадиган мағсулот; кулоллик буюмлари. Лой икки хил усулда – қўлда ҳамда кулоллик чархи ёрдамида шаклга солиб ясалади, сўнг гулхан (хумдон)да қиздириб сопол тайёрланади. Рўзфорда (пиёла, коса, лаган, кўза, офтоба, хум ва бошқалар), меъморлик (кошин, сополак, парчин ва бошқалар) ҳамда саноат ( ўтга чидамли қолиплар ва бошқалар)да сопол буюмлари кенг қўлланилади.




**1-расм. Сопол буюмнинг лойиҳалаш жараёни.**

## **Ўзбекистон ҳудудида топилган археологик топилмалардан бири бўлган сирланмаган сопол буюмларини лойиҳалаш**

Эрамиздан аввалги асрларда топилган сирланмаган сопол буюмларини босқичма-босқич лойиҳалаш усулларини ўрганамиз.

Ишни сополдан ишланган экспонатларни ўрганишдан бошлаймиз уни эҳтиёткорлик билан қандай материаллардан тайёрланганини аниқлаб олиш лозим бўлади. Буюмнинг таъмирлашдан олдинги ҳолатини суратга тушириб оламиз.

Сопол буюмлари бизгача қўпинча бус-бутун бўлиб етиб келмайди. Шунинг учун биз топилмани эҳтиёткорлик билан ўрганиб чиқишимиз зарур бўлади. Топилмани таъмирлашдан олдин унинг лойиҳасини ишлаб чиқиш зарур бўлади. Лойиҳани ишлашдан олдин топилманининг асл ҳолидан ўлчамлари олиниб миллимитровка қофозига ўтказилади, кейинги босқич унинг синган бўлакларини қайта тиклаш жараёнлари миллимитровка қофозида акс эттирилади. Сопол буюмнинг асл ҳолатига келтирилгач уни планшетга 4 ёки 5 хил кўринишида тушириб олинади.



## **2-расм. Сопол буюмининг отмифкалаш.**

### ***Назорат учун саволлар.***

1. Сирланмаган сопол деб нимага айтилади?
2. Сирланмаган сопол буюмларни таъмирлашнинг ўзига хос хусусиятларини сананг.
3. Лойиҳалаш жараёнининг кетма-кетлигини айтинг.
4. Таъмирлашда фотофиксациясининг аҳамиятини айтинг.
5. Сирланмаган сопол буюмларни таъмирлаш жараёнида қўлланиладиган материалларни айтинг.
6. Музей коллекцияларида мавжуд сирланмаган сопол намуналарининг аксарияти қайси даврга оид?

### **2-иш. Сирланган лаганлар ҳақида маълумот**

#### **Амалий машғулот**

**Топшириқ:** Сирланган лаганни лойиҳалаштириш (музей фондларида мавжуд сирланган лаганлар асосида).

**Зарур техник воситалар:** фотоаппарат, мастихин, шпатель, кулолчилик лойи, кулолчилик печи, туш, чўткалар.

#### **Ишнинг мазмуни:**

1. Маълум бир сирланган лаган нусхаси 4 хил (таъмирлаш жараёнигача бўлган ҳолати, юқоридан кўриниши, қирқими, таъмирдашдан кейинги ҳолати) кўриниши лойиҳада яратилади.
2. Юқорида амалга оширилган жараёнларни фотофиксациялаш.
3. Ашёни ташқи таъсирлардан тозалаш.
4. Кулолчилик лойи қоришимасида ашёнинг таъмирга муҳтоҷ жойи тўлдирилади.
5. Кулолчилик лойи қуригач кулолчилик печида пиширилади.

6. Таъмирланган қисмни глазур ёрдамида асл қисми билан бир хил кўринишга келтирамиз.
7. Ашёда мавжуд безак қисмларини тиклаймиз.

## ЛАГАН ЭСКИЗИНИ ТАЙЁРЛАШ

### Нафис керамика тушунчаси

Майда донадор тузилишга эга бўлган, зич пишган ва сирти шишиасимон сирнинг юпқа қавати билан қопланган буюмлар **нафис керамика буюмлари** деб аталади. Ҳозирги замонда керамика буюмлари асосан ишлаб чиқариш соҳаларига ва тавсияланишига кўра турли гурухларга туркумланадилар. Нафис керамика буюмлари материалнинг пишиш даражасига қараб 2 та гурухга бўлинади:

1. Зич пишган сополакка эга буюмлар;
2. Ғовакли, қисман пишган сополакка эга буюмлар.

Биринчи гурухга кирган буюмларнинг синиқлари чиғаноқсимон ялтироқ бўлиб, суюқлик ва газларни ўтказмайдилар, оқ ёки баробар тарзда бўялган бўлиб, чертилганда узоқ вақт сўнмай турадиган жарангдор товуш чиқарадилар. Уларнинг сув ютувчанлиги 5 % дан юқори бўлмайди. Улар сирланган ва сирланмаган бўлиши мумкин.

Иккинчи гурухга кирган буюмлар синиги майда донадор тузилишга эга бўлиб, бўзарган кўринишга эга бўлади ҳамда суюқлик ва газларни ўтказиб юборади. Уларнинг сув ютувчанлиги 5 % дан ортиқ бўлади. Бундай буюмларни чертганда тезда сўнувчи паст товуш чиқади. Буюмлар юпқа бўлиши мумкин. Зич пишган буюмлар таркибиға чинни, нафис тош буюмлари ва иссиқликка бардошли буюмлар киради.

Ғовакли қисман пишган буюмлар қаторига яrim чинни, фаянс ва сопол киради.

Нафис керамика буюмлари қаторига биринчи навбатда сопол ва чинни буюмлари кириши қўпчиликка маълум. Сопол буюмлари жуда қадим замонларда ҳам ишлатилган. Бу фикрни археологик ва геологик қидирув

ишлари натижасида топилган пишиқ турли ранг берилган, усти сирланган ёки сирланмаган, уй-рўзгорда ишлатиладиган буюмларнинг қолдиқлари тасдиқлайди.

Бу топилмалар чуқур таҳлил қилинганда уларнинг таркиби тупроқ, кум ва бошқа бирикмалардан ташкил топғанлиги маълум бўлган. Кўп маблағ ва ишлов талаб этмайдиган, бадиий безакли, сопол буюмларга бўлган эхтиёж жуда катта. Шунинг учун бу соҳани янада ривожлантириш, янада кўркам маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқдир.

Нафис керамика буюмлари қаторига бир таркибли ва зич структурали пишган ёки майда заррачали (майда ғовакли) сополакка эга бўлган ва керамика технологияси асосида олинган буюмлар киради. Бундай буюмлар “кўпол” керамика буюмларидан сопалагининг кесимига қўз илғаб оладиган кўп таркибли структуранинг йўқлиги билан фарқланади.

Буюмларнинг ранги ёки сопалакнинг массивлиги нафис керамика билан “купол” керамикани ажратувчи фактор бўла олмайди. Масалан, рангли чинни ва черепица, стеатитли буюм ва шамот ғиши керамика соҳаси турли гурухларининг вакиллари бўлишига қарамасдан бир хил ранга эга бўлиши мумкин.

Шу билан бирга бир гурухга киравчи буюмлар ишлатилаётган хом – ашё ва мақсадга кўра оқ рангли (тажриба идиши) ёки турли рангларга бўялган (маиший идиш-товок, декоратив буюмлар) бўлиши мумкин.

Нафис керамика буюми ишлаб чиқаришда хом ашё тозалигига қўйилган талаблар кучли бўлади. Хом ашёларни қайта ишлаш жараёни ҳам мураккаб ўтади. Харидорнинг эстетик талабларидан келиб чиқсан ҳолда қолипланган буюмлар юзасига ишлов бериш ҳам мураккаб кечади.

Нафис керамика материаллари ва қўрғошинли биллур буюмлари ишлаб чиқаришда маҳсулотларга бадиий ишлов бериш муҳим жараёндир. Чинни ва сопол буюми утил ва политой куйдиришдан сўнг расм чизиш цехига жўнатилади. У ерда буюмларга деколкомания ёки қўл кучи билан расм чизилади ва расмни маҳкамлаш мақсадида қайта куйдиришга

жүннатилади. Муфел печларидан бүёк 650-700°С ли ҳароратда маҳкамланади. Қўрғошинли биллур қолипланганидан сўнг бадий ишлов бериш цехига юборилади. У ерда олмос қиррали станокларда уларнинг юзасига нақш ёки расм чизилади.

Илмий изланишлар натижасида ядро энергетикаси, машинасозлик, электрон ва ракета технологияларига мос хоссаларга эга бўлган маҳсус сопол буюмлар ишлаб чиқарилмоқда.

## ТАЙЁРЛАНГАН ЭСКИЗНИ ПЛАНШЕТГА ТУШИРИШ

### Қофоз танлаш

Акварель бўёғи билан ок, қаттиқ қофозда яъни чизмачилик, ватман, ярим ватман ва торшировка килинган қофозда ишлаш лозим. Бундан қофозларда, кист билан ишлаш тирнаш, ювиб ташлаш, қириб ташлаб янгидан ишлаш имкониятлари бўлади.

*Торшировка (ғадир-будир) килинган қогоз.* Силлиқ қофозга қараганда яхшироқ, чунки силлиқ қофозда иккинчи қатлам еткизилганда биринчи катламни синдиради ҳамда қўйилган бўёқ керакли даражада нурланмай ранг ёрқинлиги паст бўлади.

Торсимон қофозда эса ғадир-будир юзада ранг ўзига нурни яхши қабул килиб сифатли равишда бўёқни ёритиб кўрсатади. Қофозни ишни характерига кўра тўғри танлаш лозим. Майда ғадир-будир қофоз (мелкозернитая) майда масштабли тасвиirlарга, соядаги формаларни тасвирига, ҳаволик, нозик предметлага мос ёриқ келса ғадир-будир қофоз эса катта, ёрқин формалар тасвири учун яхши имконият туғдиради. Расм учун қофозлар қуйидаги маркаларда чиқарилади. В-Ф-А-О.

В – виставкалар учун, бадий ишлар учун;

Ф – тушда ишлаш , гравюралар ишлаш учун;

А – акварельда ишлаш учун;

О – умумий фойдаланиш учун.

Қоғозлар бўлакланган ёки (рулон) ўрамли бўлиши мумкин. Бўлакланган қоғозлар куйидагича чиқарилади (мм): 210x297; 240x287; 420x597x841; 640x878.

Қоғозлар фақат силлиқ тайёрланади. Аммо заказ бўйича қоғозни майдада ўрта ва катта ғадир-будир қилиб ёки керакли тон бериб чиқарилади. Чизмачилик қоғозидан ташқари эскизлар учун қоғоз мавжуд. Бу қоғозда фақат акварельда, қаламда, кўмирда ишлашга яроқлидир. Чунки қоғоз чиқиндилардан тайёрланади.

Шунингдек акварель фильтерлари учун чиқариладиган қоғоз ҳам яроқлидир. Тушда фото қоғозига ишлаш тавсия этилади, чунки бу қоғозда туш жуда яхши ётади ва унинг керакли мақсадларда тирнаб графика мақсадларида фойдаланиш мумкин.

Бу қоғозни ишлатишдан олдин унинг қириб сўнгра гилосулфишъда ишлаш мушкул, чунки қоғоз сарғиши тусдан оппоқ тусга ўтган бўлади.

### **Қоғоз сифатига қўйиладиган талаблар**

1. Сувда намланган қоғоз, қуригандан сўнг ўз юзасини яъни текислигини ўзгартирмаслиги керак (деформацияга учрамаслиги).
2. Акварель бўёғи суркалгандан сўнг унинг юзасида доғлар пайдо бўлмаслиги керак.
3. Бир неча марта бўялиб, сўнгра ювиб (губка билан) ташлангандан сўнг унинг юзаси бузилиб, пахтаси чикмаслиги, ўзининг биринчи сифатини сақлаб қолиши керак.
4. Бўялган қалам хусусий пичноқ билан қирилганда унинг юзаси ўз сифатини сақлаб қолиши керак.
5. Қоғоз юзаси узоқ муддатда ўз оқлигини йўқотмаслиги лозим.
6. Қоғоз ўзининг юқори қатламидагина бўёқни шимиб олиши лозим.
7. Қоғоз юзаси қалам билан ишлаш мобайнида ўчирғичга юмдаланмаслиги, пахталанмаслиги керак.

## **Лойиҳалашда қоғоз тайёрлашнинг асосий қоидалари**

Танланган қоғоз юзаси сифатли ва жуда тоза бўлиши керак. Унинг юзасида чанг, ёғ бўлмаслиги лозим. Юзадан кирларни олиш учун ўчирғичдан фойдаланмаслик керак.

Қоғоз юзасидан чанг ва ҳар хил ёғларни йўқотиш учун болалар совунини майдалаб қириб, уни илиқ сувда эритиб қоғоз юзаси ювиб ташланади. Қоғоз юзаси ювилгандан сўнг бўёқ юзага яхши, текис ётади. Қоғозга қаламда чизиб бошлаганда иложи борича ўчирғичдан кам фойдаланиш керак. Чунки, резинка қоғозни пахталантириб юборади. Ишни бошлашдан олдин қўлларни, албатта, совунлаб ювиш керак. Қўлнинг ёғ қатлами қоғозга тегавериб қоғозда кўринмас доғ қолдириб оқибатда бўёқ қоғозга яхши суркалмайди.

Акварелда узоқ вақт ишлаш учун қоғоз, албатта, планшетга тортилади. Қоғоз букланиб кетмаслиги учун уни маҳсус тахта (планшетларга) таранг килиб маҳкамлаш керак. Бунинг учун планшетдан 1,5-2 см каттарок қоғоз олиб четлари букланади. Қоғознинг юзаси авайлаб қўлланади (букланаган жойидан ташқари). Қоғоз чеккаларига (букланган кисмига) елим суркаб, планшетга ёпишириллади. Бунда бармоклар билан қоғозни аста сидириб, бирлашган ва қўтарилиб қолган жойларини текислаб қўйиш керак.

Қоғоз текис ёпиширилгач планшетни горизонтал ҳолатда ётқизиб қуритилади.

Қоғозни планшетга ёпиширмасдан “стираторт” ёрдамида таранг қилиб тортиб қўйилса ҳам бўлади. “Стираторт” – планшетдан бироз каттароқ ромча бўлиб, хўлланган қоғоз уларнинг орасига қистириб қўйилади, қоғоз қуригач, таранг тортилиб қолади.

Тортилиб қолган қоғозни қуритиш учун нормал температура лозим. Қуёшда ёки рефлекторлар ёрдамида қуритиш мумкин эмас, чунки сунъий қуритиш қоғозни жуда қаттиқ тортилишига ҳатто йиртилишига олиб келади.

## ТАЪМИРЛАШДАН ОЛДИНГИ ҲОЛАТНИ ЛОЙИХАЛАШ

Лойиҳа олди асослаш технологларнинг асосий иши ҳисобланади. Буни бажаришда лойиҳаловчи нафақат технология ва лойиҳаланаётган устахонанинг иқтисодий кўрсаткичлари, балки ишлатиладиган хомашёнинг асосий кўрсаткичлари ва тайёр маҳсулот истеъмол қиласидиган халқ хўжалигига қарашли корхоналар билан алока ўрнатиши керак.

Лойиҳа олди ишларда технология ва иқтисодий ҳисоблаш бажариш, шунингдек илмий текшириш ходимлари, ишлаб чиқаришда ишловчи ходимлар билан истеъмолчилар учрашишга тўғри келади. Бу ишда технологлардан ташқари бошқа соҳадаги лойиҳаловчилар – қурувчилар, транспортчилар, иқтисодчилар, энергетиклар, иссиқлик техниклари, сантехниклар ва бошқалар қатнашишлари шарт. Лойиҳа олди ишларни бажараётганда технолог қурилиш майдонини танлашда ҳамма маълумотларни жамлаб, шундан кейин асосий қурилиш майдони белгилайди.

Юқорида келтирилган маълумотларни танлашда ва уларни топишда, катта масштабдаги ишлаётган корхоналар ёки янги лойиҳаланган корхона ва шунга ўхшаш корхоналарнинг материалларидан фойдаланиш мумкин. Шунга ўхшаш корхонанинг йўқлигига, унга керак бўладиган цехларнинг сони яъни ҳисобини, жиҳозларни тахминий баҳоси, спецификация бўйича ҳамма обьектларни планини тузиш, (ёрдамчи обьектларни танлашда олдин лойиҳаланган лойиҳалардан фойдаланилади) кетадиган сув ҳажмини, иссиқлик, электроэнергия, сув ва газ, чиқиндилар миқдорини, ва штатлар ҳисобини белгилайди.

Дастлабки, маълумотларга лойиҳалаш ҳисобига кетадиган харажатларни ҳисоблашда шунга ўхшаш обьектлардан маълумот олинади ва буларга  $1\text{ m}^2$  бино ва иморат (қурилиш, сантехник қисмлари ва бошқалар). 1 Квт танлаб олинган қуввати (электр жиҳозлари учун) ва  $1\text{ m}^2$  йўл қурилиши (транспорт бўлими) ва бошқалар. Лойиҳалаётган корхонага ўхшайдиганларини танлашда катта эҳтиёткорлик ва қунт керак. Лойиҳа олди

ишларда яхши ўйламаса шунга ўхшаш капитал ҳаражатлар икки баробарга ошиб кетади.

### **Буюмнинг таъмирлашдан олдинги ҳолати**


Сопол буюмлари бизгача қўпинча бус-бутун бўлиб етиб келмайди. Шунинг учун биз топилмани эҳтиёткорлик билан ўрганиб чиқишимиз зарур бўлади. Топилмани таъмирлашдан олдин, унинг бизга маълум қисмини аниқ ўлчамлари асосида топилманинг қолган қисмини топиш учун миллимитровка ёки ватман қоғозига қўчирамиз.

Лойихалаш жараёнида ранг бериш босқичларини қўллаётганда шуни ёддан чиқармаслик керакки ҳар бир топилмани асл ҳолатини йўқотмаслик лозим бўлади.


Планшетга туширилган буюм(*топилма*)ни таъмирлашдан олдинги ҳолатини туш бўёғи ёрдами(*отмывка усули*)да ёки перо ёрдами(*нуқтали усул*)да эҳтиёткорлик билан лойихалаш ишлари бажарилади.

**Отмывка усули** – отмывка усули (ювиш) туш бўёғи ёрдамида ишланади. Бунда жараён аста-секинлик билан босқичма-босқич амалга оширилиб борилади.

**Нуқтали усул** – нуқтали усул пеъро қуроли ёрдамида аста-секинлик билан босқичма-босқич амалга оширилиб борилади.



3-расм.



4-расм.



**4-расм.**

**3-4-5-расмлар. Сопол буюмларнинг лойиҳалашда топилма  
холатидаги (фиксация) кўриниши**

**Лойиҳалаш**

Ҳамма мамлакатларда лойиҳалаш идоралари лойиҳани бажарувчи хисобланади. Лойиҳалаш учун буюртмани буюртмачи беради. Лойиҳалаш вазифасига ҳамма кўрсатмалар киритилиши керак. Буларга лойиҳалашни асослаш, мўлжалланган қурилиш райони, ишлаб чиқариш куввати, тайёр маҳсулотнинг хилма-хиллиги, бошқа корхоналарнинг хом ашё ва иссиқлик билан таъминлашлиги, илмий ишларда янги технологияни жорий қилиши, сув, газ ва бошқа чиқиндиларни жорий заарсизлантириш, келажакда ишлаб чиқариш корхонасини кенгайтиришни таъминлаш, маҳсулотнинг таннархи ва бошқалар киради. Буюртмага лойиҳалашнинг босқичлар сони кўрсатилиши керак. Бу босқичлар сонини тасдиқлайдиган корхона томонидан олиб борилади. Бунда лойиҳа ишларини камайтириш кўзда тутилиши ва лойиҳалашда типовой ва олдиндан лойиҳаланган обьектлардан фойдаланиши керак. Лойиҳа буюртмасини олиб боришда қуйидагиларга аҳамият бериши керак. Ушбу тармоқ, корхонанинг плани, ҳамда шу қурилиш районининг

келгусидаги иқтисодий кўрсаткичлари, ривожланиши, ушбу тармоқнинг ривожланиши кўп муддатга мўлжалланган илмий-техник хужжатлар ва шу соҳадаги илмий текширув ишларининг плани ҳисобланади. Лойиха буюртмасини тайёрлаш жуда жавобгарлик иш бўлиб ва унда ҳар хил соҳадаги мутахассислар қатнашиши керак. Лойиха олди буюртмани ишлаб чиқиш, буюртмага эмас (ишлаб турган корхонани бироз кенгайтириш, ишлаб турган корхонада кичкина қурилма қуриш ва бошқалар) киради. Ҳозирги пайтда ишлатилаётган кўргазмага асосан лойиҳалаш корхонаси буюртмани бажаришда фаол қатнашиши керак. Кўпчилик ривожланган мамлакатларда лойиха олди ишларидан кейин буюртмачи ва иш берувчилар билан шартнома тасдиқланади. Лойиҳаланаётган маҳсулотларнинг турли-туманлиги корхонанинг қувватига ва тайёр маҳсулотнинг сифатини текшириш корхонаси белгилайди. Шунингдек, лойиҳаловчилар буюртмани тайёрлашда олдин буюртмачидан маҳсулотларни хилма-хиллигини ва корхонанинг қувватини аниқлаши керак. Катта ва мураккаб иншоотлар учун лойиха буюртмасини тайёрлашда техник-иктисодий кўрсаткич ҳисобланади.

Лойиха тайёрлашда энг катта вазифа бу техник иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш ва техник томондан шу иншоотни яратиш киради.

Лойиха яратишда асосий вазифаларни бажариш лойиҳаловчининг бурчи бўлиб, уларга қуидагилар киради:

- тайёр маҳсулотнинг турлари ва корхона қувватини аниқлаш;
- корхонанинг маълум методларини танлаш;
- хом ашёни техник кўрсаткичларини текшириш;
- бошқа корхоналар билан алоқани мустаҳкамлаш;
- сув ва ҳавони тозалигини таъминлашлар киради.

Шунингдек лойиха буюртма бериш учун дастлабки хужжат ҳисобланиб, янги жиҳозларни ишлаб чиқиш ва илмий текшириш ишлари учун программаларни тайёрлаш киради. Қурилиш майдонни танлашда, ҳамма қизиқувчи ташкилотлар томонидан тузилган комиссия тузиш санитар назорати бўлимлари, минэнерго, темир йўл бошқармаси ва бошқа

ташкилотлардан ҳамда маҳаллий хокимият билан ҳамкорликда олиб борилади.

Буюртмачининг берган дастлабки маълумоти, лойиҳаловчи технолог бор регламентини кўриб чиқишига мажбур ҳамда илмий-текшириш ва қурилма ишларининг ҳисоботини, лойиҳанинг асосий мақсадга тўғри келишини аниқлаши керак. Муҳокамадан кейин қуидаги саволларга жавоб олиниши керак:

- 1) дастлабки маълумотлар лойиҳалаш учун етарлими, у билан узоқ ишловчи жиҳозларни танлаш мумкинлиги, мазкур маълумотлар ёрдамида тайёр маҳсулотнинг олдиндан мўлжалланган сифатини таъминлай олиш;
- 2) кўрсатилган ишлаб чиқариш усули тайёр маҳсулотнинг баҳосини таъминлай олиши.


Тажриба шуни кўрсатадики, лойиҳалаш корхоналарнинг бундай талабларни бажармаслиги, ҳисоб-китобсиз олинган муҳандислик қарорининг экспериментал тасдиқланганлиги катта иқтисодий сарф-ҳаражатга олиб келиши мумкин. Дастлабки маълумотларнинг чекланганлигига қарамай, муҳандис-технолог жараённи тўғри ҳисоблашни билиш керак. Лойиҳа олди ишларда, лойиҳада белгиланган ва регламент нормасига мувофиқ хом-ашё ва тайёр маҳсулотнинг сифати солиштирилиб кўрилади. Баъзи чиқариладиган маҳсулотларга техникавий шарт тузилади. Уни баҳолашда ёки таҳлил қилишда иқтисодий кўрсаткичларга қаралади.

## **ТАЪМИРЛАШДАН КЕЙИНГИ ҲОЛАТНИ ЛОЙИҲАЛАШ**


### **Лойиҳалашда ишлатиладиган ашёлар**

**Туш.** Тушъ перода, кист(мўйқалам)да ишланади. Тайёрланиши: қурум, спирт аралашмаси шеллак, глицирин, шакар, желт ва антиселик. Тушъ қаламча ва паста тарзида ҳам тайёрланади.


Планшетга туширилган буюм(*топилма*)ни таъмирлашдан кейинги ҳолатини туш бўёғи ёрдами(*отмывка усули*)да ёки перо ёрдами(нуктали усул)да эҳтиёткорлик билан лойихалаш ишлари бажарилади.



**6-расм.**



**23-расм.**



### **7-расм.**

**6-7-расмлар. Таъмирлаш лойиҳаси.**


## **СИРЛАНГАН ЛАГАНЛАР ЭСКИЗИНИ ТАЙЁРЛАШ**

Эрамиздан аввалги асрларда топилган сирланган сопол буюмларини босқичма-босқич лойиҳалаш усулларини ўрганамиз.


Ишни сополдан ишланган экспонатларни ўрганишдан бошлаймиз уни эҳтиёткорлик билан қандай материаллардан тайёрланганини аниқлаб олиши лозим бўлади. Буюмнинг таъмирлашдан олдинги ҳолатини суратга тушириб оламиз.

Сопол буюмлари бизгача кўпинча бус-бутун бўлиб етиб келмайди. Шунинг учун биз топилмани эҳтиёткорлик билан ўрганиб чиқишимиз зарур бўлади. Топилмани таъмирлашдан олдин унинг лойиҳасини ишлаб чиқиши зарур бўлади. Лойиҳани ишлашдан олдин топилманининг асл ҳолидан ўлчамлари олиниб миллимитровка қоғозига ўтказилади, кейинги босқич унинг синган бўлакларини қайта тиклаш жараёнлари миллимитровка


қоғозида акс эттирилади. Сопол буюмнинг асл ҳолатига келтирилгач, уни планшетга 4 ёки 5 хил кўринишида тушириб олинади.



**8-расм.**



**9-10-расмлар. IX-X аср. Қанқа ҳудудидан топилған сирланған сопол лаган лойиҳаси.**




**11-расм. Фаргона ҳудудидан топилган X-XI асрларга тегишли сирланган сопол лаган лойихаси.**

#### *Буюмнинг таъмирлашдан олдинги ҳолати*

Сопол буюмлари бизгача кўпинча бус-бутун бўлетиб келмайди. Шунинг учун биз топилмани эҳтиёткорлик билан ўрганиб чиқишимиз зарур бўлади. Топилмани таъмирлашдан олдин унинг бизга маълум қисмини аниқ ўлчамлар асосида топилманинг қолган қисмини топиш учун миллимитровка ёки ватман қофозига қўчирамиз.

Планшетга туширилган буюм(*топилма*)ни таъмирлашдан олдинги ҳолатини туш бўёғи ёрдами(*отмывка усули*)да ёки перо ёрдами(*нуқтали усул*)да эҳтиёткорлик билан лойихалаш ишлари бажарилади.



**12-pacM**

## МУЗЕЙ ЭКСПОНАТЛАРИДАН НАМУНАЛарНИ ЛОЙИХАЛАШ



**13-расм. Археологик қазилма ишларидан топилған сирланмаган кулолчилик намуналари. Музей экспонатларидан намуналар.**



**14-расм.**



**15-расм.**



**16-расм. Бинкент худудидан топилган X-XI асрларга тегишли сирланган сопол буюмлар. Музей предметларидан намуналар.**

### ***Назорат учун саволлар.***

1. Сирланаган сопол идишлар деб нимага айтилади?
2. Лойиҳалашда қоғознинг аҳамиятини тушунтиринг.
3. Музей предметлари реставрациясини лойиҳалашда нималарга эътибор қаратиш лозим.
4. Сирланган сопол юзасига нақшлар қай тартибда туширилади?
5. Кулолчиликда буюмларни безашда қандай нақш тураларидан фойдаланилади?
6. Сирланган сопол буюмлар Ўзбекистоннинг қайси ҳудудларидан топилган?
7. Сирланган сопол буюмларини таъмирлаш лойиҳаси қай тартибда тайёрланади?
8. Сирланган сопол буюмининг эскизларини тайёрлаш жараёнини айтинг.

### **3-иши. Терракота ҳайкалча ва буюмларни лойиҳалаш**

#### **Амалий машғулот**

**Топшириқ:** Терракота ҳайкалча ва буюмларни лойиҳалаштириш (музей фондларида мавжуд терракота ҳайкалча ва буюмлар асосида).

**Зарур техник воситалар:** фотоаппарат, мастихин, шпатель, пластилин, чўткалар.

#### **Ишнинг мазмуни:**

1. Терракота ҳайкалча ва буюмларни нусхаси 4 хил (таъмирлаш жараёнигача бўлган ҳолати, юқоридан кўриниши, қирқими, таъмирдашдан кейинги ҳолати) кўриниши лойиҳада яратилади.
2. Юқорида амалга оширилган жараёнларни фотофиксациялаш.
3. Ашёни ташқи таъсирлардан тозалаш.
4. Ашёнинг синган бўлакларини елим (ПВА) ёрдамида елимлаш.

5. Гипс қоришмасида ашёнинг таъмирга муҳтож жойи тўлдирилади.
6. Гипс етарли даражада қуригач қумқоғоз ёрдамида юзаси силлиқланади.
7. Таъмирланган қисмни ранг ёрдамида асл қисми билан бир хил кўринишга келтирамиз.
8. Ашёда мавжуд безак қисмларини тиклаймиз.

## **ТАЪМИРЛАШДАН ОЛДИНГИ ҲОЛАТИНИ ЛОЙИҲАЛАШ**



**17-расм. Терракота ҳайкалча эскиз лойиҳаси.**

### **Буюмнинг таъмирлашдан олдинги ҳолати**

Планшетга туширилган буюм(*топилма*)ни таъмирлашдан олдинги ҳолатини туш бўёғи ёрдами(*отмывка усули*)да ёки перо ёрдами(*нуқтали усул*)да эҳтиёткорлик билан лойиҳалаш ишлари бажарилади.


Лойиҳалаш жараёнида ранг бериш босқичларини қўллаётганда шуни ёддан чиқармаслик керакки, ҳар бир топилма ўзининг асл ҳолатини йўқотмаслиги лозим бўлади.

## ТАЬМИРЛАШДАН КЕЙИНГИ ҲОЛАТИНИ ЛОЙИХАЛАШ

### Буюмнинг таъмирлашдан кейинги ҳолати

Планшетга туширилган буюм(*топилма*)ни таъмирлашдан олдинги ҳолатини туш бўёғи ёрдами(*отмывка усули*)да ёки перо ёрдами(*нуқтали усул*)да эҳтиёткорлик билан лойиҳалаш ишлари бажарилади.

Лойиҳалаш жараёнида ранг бериш босқичларини қўллаётганда ҳар бир топилмани асл ҳолатини йўқотмаслигига эътибор қаратиш лозим.




**18-расм. Терракота ҳайкалча эскизи лойиҳаси.**



**19-расм. Терракота ҳайкалча эскизини графика усулидаги лойихаси.**



**20-расм. Терракота ҳайкалча эскизини графика усулидаги лойихаси.**



**21-расм. Терракота ҳайкалча эскизини графика ва отмывка  
усулидаги лойиҳаси.**

***Назорат учун саволлар.***

1. Терракота ҳайкалча атамасига таъриф беринг.
2. Терракота ҳайкалчаларни лойиҳалаш жараёни ҳақида нималарни биласиз?
3. Терракота ҳайкалчани лойиҳалашнинг қандай усуллари мавжуд?
4. Ҳайкалчаларни лойиҳалаш усулларидан бири нуктали усул моҳияти ҳақида айтинг?
5. График усул қай тартибда амалга оширилади?
6. Отмывка усулидаги лойиҳалаш деб нимага айтилади?.
7. Таъмирчи рассомнинг энг биринчи галдаги вазифаларидан бири нима?
8. Терракота ҳайкалча эскизи қандай яратилади?

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Асосий адабиётлар**

1. Fiona Melhuish. The Grammar of Ornament Special Collections featured item. Rare Books Librarian, 2009.
2. Renaissance Architectural Prints from Column to Cornice This catalogue accompanies the exhibition Variety, Archeology, and Ornament Renaissance Architectural Prints from Column to Cornice August 26 – December 18, 201. University of Virginia Art Museum.
3. Marylin Scott. The potter's bible. New York, 2010. Avenue Suite 206.
4. Archaeology & illustrators a history of the ancient monuments drawing office archaeological graphics report Judith Dobie and Chris Evans . English Heritage, 2010.
5. Дэвид Анрэй. “Logo Design Love”. Monography. Peachpit Press, 2014. - 240 pg.
6. Chris van Uffelen. “Packaging Design”. Monography. Braun Publish, Csi., 2013. - 240 pg.
7. К.С. Крюков. Пропорции в архитектуре.–Т.: Фан, 1995. – 213 с.
8. Х.Умаров. Лойиҳалаш. – Т.: Info capital group, 2018. – 96 б.
9. И.М. Азимов. Росписи Узбекистан. – Т.: Изд. Литературы и искусства им. Г.Гуляма, 1987. – 144 с.
10. С.С. Булатов. Ўзбек халқ амалий безак санъати.– Т.: Мехнат, 1991. – 384 б.

11. Д.А.Нозилов. “Халқ меъморчилиги”. –Т.: Фан, 1982 .-96 б.
12. Л.И. Ремпель. Архитектурный орнамент Узбекистана. – Т.: Художественной литературы УзССР, 1961. – 360 б.
13. Р.Худойберганов. Рангшунослик. – Т.: Шарқ, 2006. – 90 б.
14. А.Эгамов. Фирма услуби. Методик қўлланма, 2006. – 75 б.
15. А.Эгамов. Бадиий лойихалаш конструкциялаш, ишлаб чиқариш, таълим ва ашёшунослик. Ўқув қўлланма, 1998. – 86 б.

### **Қўшимча адабиётлар**

1. П.Ш. Захидов. Народные зодчие Самарканда XIX – нач. XX вв. [к проблеме самаркандской архитектурной школы], Автореф. Дис.канд. искусствоведения. – Т.: Шарқ. 1962. -230 с.
2. М.С.Булатов. Геометрическая гармонизация в архитектуре Средней Азии IX-XV вв. – М.: Наука. 1978. – 380 с.
3. В.А.Булатова, Л.Б.Маньковская. Памятники зодчества Ташкента XIV-XIX вв. – Т.: Издательство литературы и искусства им. Гафура Гуляма, 1983. – 144 с.
4. Б.Г.Бархин. Методика архитектурного проектирования. – М.: Стройиздат, 1982 г.
5. Г.А.Пугаченкова, Л.И.Ремпель. Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана. – Т.: ГИХЛ, 1958. – 170 с.
6. П.Е.Шпара. Техническая эстетика. Основы художественные конструирования. 1993. – 112 с.
7. К.В.Безменова. Искусства литография. Художник. 1996. – 35 с.
8. В.В. Глазунова. Торговая реклама. 1982. – 68 с.
9. Е.В. Шорохов, Н.Г.Козлов. Композиция. 1978. – 92 с.

## **Интернет сайтлари:**

1. [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)
2. [www.rosdesign.com/design/slovarofdesign.htm](http://www.rosdesign.com/design/slovarofdesign.htm)
3. [www.cer.uz](http://www.cer.uz)
4. [www.rewiew.uz](http://www.rewiew.uz)
5. [www.4lights.ru](http://www.4lights.ru)
6. <http://www.bilidon.uz>
7. <http://acadlib.uzci.net>
8. [www.pencil.nm.ru](http://www.pencil.nm.ru)